



Ислом Нури

«...» :...»

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оёқ кийимларини кийишда, сочларини тарашда, таҳоратларида ва барча ишларида ўнг томондан бошлашни ёқтирардилар.

«...» :...»

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирингиз оёқ кийимини кийганида ўнгидан бошласин, ечганида чапидан бошласин, ўнг пойи аввал кийилиб, кейин ечиладиган бўлсин».

«...» :...»

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу айтадилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга сутга сув аралаштириб олиб келинди, ўнг томонларида бир аъробий, чап



томонларида Абу Бакр бор эди, ўзлари ичиб, сўнг аъробийга узатдилар ва: «Аввал ўнг томондан», дедилар.

Шарҳ:

Ўнг томондан бошлаш ва ўнгни иззат-икромда муқаддам қўйиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидан ва Ислом аҳлининг белгиларидан. Бу билан барча ишларини чап томондан бошлайдиган шайтонга зид иш қилинган бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Иззат-ҳурмат кўрсатиш ўринларида ўнг томондан бошлаш суннат.
2. Оёқ кийим кийиш ва соч тараш каби ишларда ўнгдан бошлаш суннат.
3. Кўпчиликка бирон нарса беришда ўнг томондан бошлаш суннат.